

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2018  
ИЮНЬ

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

**А.ЮСУПОВА, М.РАҲМОНҚУЛОВА**

Вазифаларни баҳолаш учун функцияларнинг хусусиятларидан фойдаланиш ..... 5

**М.АБДУМАННОПОВ**

Иккинчи тартибли оддий дифференциал тенглама учун Бицадзе-Самарский ва биринчи тур интеграл шартли масала..... 10

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

**Р.Х.МАКСУДОВ, Ш.ШУХРАТОВ, Ш. ХОЛДОРОВ**

Чўзилувчан камарли узатувчи механизм таранглигини ҳисоблашнинг бир усули ҳақида ..... 14

КИМЁ

**Л.ИЛЬИНА, Г.ЛАПТЕВ, Е.ЙИЛДИРИМ, С.ЗАЙЦЕВ**

Кортекснинг ишлов берилмаган микроорганизмларини молекуляр генетик таҳлил қилиш учун ДНКни изоляциялаш ва тозалаш усулларини оптималлаштириш..... 20

**Х.ХАЙТБАЕВ, Б.БАБАЕВ, И.ЮЛДАШЕВ, А.ХАЙТБАЕВ**

Трифенилфосфин бромидли комплекс туз синтези ..... 24

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

**Б.ШЕРАЛИЕВ, З.ПЕНГ**

Сирдарёдан тутилиб ўрганилган оддий қора балиқнинг *Schizothorax curvifrons* (Heckel, 1838) тана массаси ва тана узунлиги ўртасидаги боғлиқлик ҳамда нисбий тўйинганлик коэффициенти..... 27

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

**Р.ПИРНАЗАРОВ**

Ўрта Осиёдаги тўғонли қўллар ва уларнинг генезиси ҳақида..... 32

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

**М.АДҲАМОВ**

Сифат – иқтисодий ўсиш омилларидан бири ..... 36

**А.ҒОФУРОВ, Г.ХАЛМАТЖАНОВА**

Кимё саноатини модернизация қилиш ва уни самарали ишлатишнинг инновацион жараёнига оид халқаро тажриба..... 40

ТАРИХ

**С.ХОШИМОВ**

Шўро ҳокимиятининг Бухородаги куч ишлатиш органлари тарихидан ..... 45

**Б.УСМОНОВ**

Чуқалак жанги ..... 49

**Х.ЖЎРАЕВ**

Россия империясининг Фарғона водийсига рус аҳолисини кўчириб келтириш сиёсати тарихидан. (“Туркистон тўплами” манбалари асосида)..... 53

**С.ИУЛДОШЕВ**

Халқ ўйинлари- маънавий тафаккур омили..... 56

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

**У.НАЗИРОВ**

Этномаданият ривожда анъананинг ўрни..... 60

УДК: 33+330.15/16

## СИФАТ – ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛЛАРИДАН БИРИ

М.Адхамов

**Аннотация**

Мақолада сифатнинг ижтимоий-иқтисодий ва фалсафий жиҳатлари, шаклланинг хусусиятлари, унинг иқтисодий ўсиш омилларидан бири сифатида баҳолашни таъминлашга қаратилган фикр ва хулосалар баён этилган.

**Аннотация**

В статье изложены социально-экономические и философские стороны, особенности форм качества, а также мнения и заключения относительно вопроса обеспечения оценки в порядке одного из факторов его экономического роста.

**Annotation**

The article outlines ideas and conclusions aimed at evaluating the socio-economic and philosophical aspects of quality as well as the characteristics of it's forms as one of the factors of economic growth.

**Таянч сўз ва иборалар:** сифат, иқтисодий сифат, сифатни шакллантириш жараёни, сифат таъминоти, сифат омиллари, иқтисодий ўсиш.

**Ключевые слова и выражения:** качество, экономическое качество, процесс формирования качества, обеспечение качества, факторы качества, экономический рост.

**Keywords and expressions:** quality, economic quality, quality formation process, quality assurance, quality factors, economic growth.

Сифат ижтимоий-иқтисодий ва фалсафий категория бўлиб, фаолиятдаги пировард натижанинг асосий ўлчовларидан биридир. Халқимизда “нонинг бунча ширин”, “пахта терсанг, тоза тер”, “уйнинг саранжом-саришталигини қаранг”, “оз бўлса ҳам соз бўлсин”, “кийимининг орасталлигига қаранг”, “харидинг хурсандчилик олиб келсин” каби иборалари сифатга йўналтирилган тушунчалардир.

Инсоннинг физиологик талаблари сифатли маҳсулотлар билан қондирилса, шахс ҳаёти ва фаровонлиги шунча узоқ ва тотли бўлади. Бозор иқтисодиётининг талаби - сифатли инновацион маҳсулот ва хизматлар орқали амалга оширилса, ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар фаолиятининг пировард натижалари ҳам сифатли таклифни амалга оширишга имкон яратади.

Сифат кенг тушунча бўлиб, у фаолиятнинг барча соҳаларига тегишлидир. Тўйимли овқат, мос кийим-бош, атроф муҳитнинг тартиблилиги, нарса ва буюмларга эътибор бериш, фойдаланиш чораларини кўриш ва исрофгарчиликка йўл қўймаслик ҳам сифатнинг қирраларидан биридир. Сифатга, айниқса, иқтисодий сифат нуқтаи назаридан қараш, унинг омилларига эътибор бериш, шаклланишини инobatга олиш ҳам муҳимдир. Ҳозирги замон ривожланиш цивилизацияси

шунини таъкидламоқдаки, сифат жараёнини ижтимоий-иқтисодий ва фалсафий тадқиқ этиш турмуш сифатининг юксалишига туртки бўлмоқда.

Иқтисодий сифат дейилганда, хўжалик юритиш тизимида кириш ва чиқиш омилларининг пировард натижага таъсирини сифат жиҳатидан баҳолаш, деб тушуниш мумкин. Бунда маҳсулотнинг янгилик даражаси, рақобатбардошлилиги, сотиш даражаси, истеъмолчиларнинг сифатга бўлган талабларининг қондирилиши, ишлаб чиқарувчининг инновацион маҳсулоти орқали экспорт салоҳияти, молиявий ҳолатининг “бақувватлилиги” кабиларни англаш ўринлидир.

Аввало маҳсулот сифати дейилганда, маҳсулот сифатига қўйилган стандарт ва техникавий шартлар тушунилади. Бу кўрсаткичлар орқали корхонанинг сифат бўйича йўналиши режалаштирилади ва бошқарилади. Масалан, ўзбек пахта хом ашёсининг сифат жиҳатлари, жаҳон бозорида “толанинг узунлиги (12-14мм) ва хом ашёнинг” оппоқлиги, толанинг пишиқлик даражаси (узилмаслиги) юқорилигидадир.

Иқтисодий сифат, ўз навбатида, бизнингча, сифат тизимини ўз ичига олади. Сифат тизими – бу, сифатни таъминлашни амалга оширувчи ҳолатлар: корхона ташкилий тизими, масъулиятни тақсимлаш, технологик жараёнлар, ресурслар ва ички тартиб кабиларни баҳолаш

М.Адхамов – ФарДУ иқтисодиёт кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори.

## ИҚТИСОДИЁТ

мажмуаси. Корхонанинг сифат бўйича сиёсати унинг юқори раҳбарияти томонидан шакллантирилади. Ўз навбатида сифат тизими: сифатни таъминлаш, сифатни бошқариш, сифатни яхшилаш ва янги маҳсулот (инновация)ни яратиш ва сотиш кабиларни ҳам ўз ичига олади.

Реал секторда сифат функцияси тизими тўртта фазадан иборат:

- маҳсулот ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини режалаштириш;
- лойиҳа тизимларини аниқлаш;
- технологик жараёни режалаштириш;
- ишлаб чиқаришни режалаштириш.

Бу фазаларни амалга ошириш юқори билим ва савияни талаб этади. Сифат-иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг асосий мезони деб, бемалол айтиш мумкин.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясига назар ташласак, унинг учинчи устувор йўналиши иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришни амалга ошириш орқали рўёбга чиқишини кўриш мумкин. Таъкидланишича, барча ривожланиш параметрлари бозор талаблари асосида амалга ошгандагина ижобий иқтисодий-ижтимоий натижага эришилади.

Корхонада сифат сиёсатини олиб бориш стратегиясини яратиш ҳам муҳимдир. Бунинг учун қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш лозим:

1. Сифатни ошириш ҳисобига корхонанинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш;
  - рақобатбардошлилиги (инновацион маҳсулот кўринишида);

- экологик тозаллиги.

2. Таъминот бозорини кенгайтириш ёки янги бозорни забт этиш.Бунинг учун:

- ишончлилик;
- пишиқлик тизимига мослиги;
- транспорт тизимига мослиги;
- ташқи кўрниши.

3. Корхонанинг рақобатбардошлилигини ошириш имкониятлари:

- хавфсизлик даражаси юқори эканлиги;
- ишлатиш муддати;
- патент ҳимояси;
- хизмат кўрсатиш имкониятининг юқорилиги.

4. Бозор ва сотишдаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этишни ҳал этиш, яъни:

- маҳсулот ташқи кўринишининг ҳаммабоплиги;
- маҳсулотнинг харидорғирлиги;
- маҳсулотнинг харидор талабига мослашувчанлиги.

Албатта, иқтисодий сифатга бундай эътибор сифат стратегиясини яратишга имкон бериши ва амалий жиҳатдан сифат орқали пировард маҳсулотнинг нафлилик даражасига ижобий таъсир этиши мумкин. Шубҳасиз, корхонада сифат сиёсатини мақсадли олиб бориш корхонанинг ички ва ташқи ҳолатига, унинг кучли (заиф) томонларининг сезувчанлигига ҳам боғлиқдир.

Қуйидаги мисол орқали сифатнинг ҳатто математик моделини яратишда ҳам унинг зарурийлиги талаб этилишини кўрамиз. Масалан, кичик корхона фаолиятининг асосий кўрсаткичи – фойда:

$$y = a_0 a_1^t$$

шаклида моделлаштирилганда, унинг натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган:

йил, t	Корхона фойдаси, минг сўм		йил, t	Корхона фойдаси, минг сўм	
	амалдаги	ҳисоблангани		амалдаги	ҳисоблангани
1	150	165	5	270	300
2	180	169	6	301	198
3	225	255	7	165	210
4	255	240	8	270	248

Жадвал маълумотларидан фойдаланиб, қурилган моделнинг сифатини баҳолаш жараёнини кўриб чиқайлик. Бунинг учун моделнинг: аппроксимация хатолиги, фойданинг боғланиш тиғизлиги, Фишернинг F-критерияси миқдори каби кўрсаткичларнинг соний ифодасини топиш керак бўлади.

Фойданинг вақт бўйича чизиқли бўлмаган боғланиши тадқиқотлари шуни кўрсатадики, модель сифатини бу учта кўрсаткич миқдори

мос равишда 4; 152 (фоиз); 0,874 ва F – Фишер критерияси бўйича  $F_{амал}=0,7$ ;  $F_{жад}=15,753$ . ҳосил бўлган.

Демак, айтиш жоизки, модель сифати қанча юқори бўлса, моделлаштирилаётган кўрсаткич (фойда) ундан келгуси давр (вақт) учун фойдаланиш имкониятини беради ва фойданинг истиқбол натижалари шунча ишончли бўлиб, прогноз натижалари аниқлик даражаси ҳам юқори бўлади.

Корхона фаолиятида сифат ҳам расмийлаштирилиб, таҳлил этилиб, умумий натижага таъсири баҳоланиб, унинг бошқарув тизими ҳам шаклланиб бориши зарур. Умумий ҳолда иқтисодий сифатни бошқариш тизими куйидаги тизимчалардан иборатдир:

- режалаштириш ва лойиҳалаштириш;
- технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни лойиҳалаш;
- маҳсулотни тайёрлаш;
- сифатни текшириш;
- сифатни пасайтирувчи ҳолатларни камайтириш;
- реклама;
- етказиб бериш;
- сотишдан кейинги хизматлар;
- сифат бўйича истеъмолчилар фикрларини билиш;
- сифат тизими кафолатини текшириб кўриш.

Иқтисодий жиҳатдан сифатни баҳолашда “иқтисодий оптимал сифат” кўрсаткичидан ҳам фойдаланиш ўринлидир. Бу кўрсаткич сифат ва харажат нисбати ёки бир бирлик сифат баҳосини ифодалайди, уни куйидаги формула орқали белгилаш ўринлидир:

$$ИОС=МС/МХ$$

бунда: ИОС-иқтисодий оптимал сифат;  
МС-маҳсулот сифати даражаси;  
МХ-маҳсулотни яратиш ва қўллаш харажатлари, сўм.

Ҳозирги пайтда, сифатни тизим сифатида шакллантириш муаммолари бўйича квалиметрия фани шуғулланмоқда. Бу фан орқали бир бирлик маҳсулот сифатининг ўсиши (юксалиши) бошқа натижавий кўрсаткичлари таъсири илмий жиҳатдан асосланмоқда.

Сифат ҳақида японларнинг амалий фикрларини ўрганиш диққатга сазовордир. Кейинги йилларда улар меҳнат унумдорлигини оширишнинг энг ишончли усулларида бири маҳсулот сифатини яхшилаш кераклигини бутун дунёга ёйиб, “япон мўъжизаси”ни яратдилар. Бу мўъжизанинг негизида, авваламбор, иш (меҳнат) тўғри ташкил этилса, маҳсулот сифати яхшиланиши, ишлаб чиқариш харажатлари камайиши ва бозорда рақобатбардошлик сақлаб қолиниши каби ҳолатларни исботлаш ётган. Бундай ҳолатни фаолиятга татбиқ этиш ҳар бир фирманинг одатий хатти-ҳаракатидир.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, унинг экспорт

салоҳиятини доимий равишда юксалтириб бориш Ҳаракатлар стратегиясини фақатгина иқтисодий сифат орқали амалга ошириш лозимлигини даврнинг ўзи кўрсатиб бермоқда.

Бозор талаби, шунингдек истеъмолчи талаб ва истакларини инobatга олган ҳолда, сифат ҳам “эскирувчан”, “ҳаётийлиги қисқа”, таклифга нисбатан пропорционаллик хусусиятига ҳам эгадир. Сифат ҳақида мулоҳаза юритганда, сифатнинг ижро ва янги хоссалари, пишиқлик ва хизмат кўрсатиш имкониятлари, ташқи кўриниши ва сифатнинг ўзига жалб этиши, янгилиги (инновационлиги) ва хавфсизлик даражаси, фойдаланиш муддати ва транспорт тизимига қулайлиги, патент ҳимояси ва экологик тозаллиги ҳақида ҳам фикр юритиш лозим, деб ўйлаймиз. Агар фаолият ушбу фикрлар инobatга олинган ҳолда юритилса, унда сифат стратегияси ва маҳсулот (иш, тадбир) сифати шунча яшовчан бўлади, деб айтиш ўринлидир.

Саноат корхоналарида, ижтимоий-иқтисодий шароитларга кўра, ривожланган мамлакатларда маҳсулот сифатига таъсир этувчи асосий омилларга эътиборни қаратсак, унда куйидагиларга дуч келамиз:

- илмий-техника тараққиёти ютуқларини амалиётда қўллашда саноат корхоналарининг сезувчанлиги;

- ички ва ташқи бозор талаблари бўйича истеъмолчиларнинг талабларини ҳар томонлама ўрганиш;

- “инсон омили”, айниқса, унинг ижодий салоҳиятини ишчи кучини ўқитиш, қайта тайёрлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш жараёнларидан интенсив фойдаланиш.

Маҳсулот сифати истеъмол қиймати ва корхонанинг техникавий даражаси билан ҳам узвий боғлиқдир. Бундай ҳолат корхонада сифат бўйича махсус тизимни ташкил этишни талаб этади.

Ҳар бир корхона ўз сифат тизимини ўзининг фаолиятдан келиб чиқиб ўзи яратади ва сифатни таъминлайди. Сифатни таъминлаш деганда, тизимли тадбирларни амалга ошириш ва режалаштириш мажмуаси тушунилиб, бу, тизим истеъмолчиларнинг сифатга бўлган талабларини қондира олишини ифодалаши лозим.

Мукамал ишлаб чиқилган иқтисодий сифат мезони, албатта, мақсадга мувофиқ бошқарилиши лозим. Бунинг учун сифатни бошқаришда замонавий усул ва механизмлардан фойдаланмоқ даркор. Сифатни бошқариш муаммоси кўпчилик

## ИҚТИСОДИЁТ

ривожланган мамлакатларда ўзига хос кўринишда яратилган. Япон иқтисодчиси Ф.Кросби фикрига кўра, “сифат масаласи” – “назоратдан воз кечиб сифатни шакллантиришга ўтиш” кераклиги таъкидланган. Бу ҳолат учта нарсанинг доимий эътиборда бўлишини тақозо этади, булар: молия, алоқа ва сифат.

Ф.Кросби фикрига кўра, сифат муаммосини ҳал этишда тўртта қоидага амал қилиш керак, булар:

- сифат сиёсати бўйича аниқ ва тушунарли тушунчага эга бўлиш ва буни ҳар бир ходимга етказиш керак;

- барча ходимларга дефект (сифатсиз) сиз ишлашни ўргатиш ва амалга оширишлари зарур;

- сифат тўғрисидаги дастурга ҳамма ходимлар амал қилишлари, ўзгартириш эса “юқоридан” қайд этилгандек бажарилиши лозим;

- сифат бўйича қарама-қаршилиқлар, чеклашлар, ўзгаришларга йўл қўймаслик.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича бир қанча чора ва тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Булардан бири сифат бўйича марказларнинг ташкил этилишидир. Сифат марказлари нафақат марказда, балки минтақаларда ҳам ташкил этилиб, ягона тур – боғланишга бирлаштирилиб, сифат даражаси юқори бўлишга интилишдир. Ҳаракатлар стратегиясида ҳам сифатга эътиборни қаратиш лозимлиги алоҳида уқдириб ўтилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, корхонада маҳсулот сифатини таъминлаш ва амалга ошириш ҳамда фирма учун сифат ҳамма вақт ва доимо наф келтиришини унутмаслик керак. Шу ўринда жаҳоннинг сифат ҳаракатини яратувчиларидан бири - япон иқтисодчиси Каору Исиккаванинг “Сифат учун ҳеч нарсани тежаш керак эмас, чунки сифатни иқтисодиётнинг ўзи яратади”, деган фикрига қўшилмай бўлмайди.

Демак, сифат корхона фаолияти пировард натижасининг асосий мезони экан, бу мезонга ҳам маълум талаблар қўйилиши шарт, булар:

- сифат ва ишлаб чиқариш самарадорлиги (даромад, фойда ва рентабеллик) бир-бири билан пропорционал чизиқли боғланганлиги;

- сифат ички ва халқаро рақобат ҳолатида харажатларни камайтириш ва яшовчанлик механизми сифатида намоён бўлиши;

- сифат истеъмолчи нуқтаи назаридан унинг талабларини қондира оладиган, ишлаб чиқарувчига нисбатан “сифатдан юқори нарса йўқ”, деган принципга риоя қилиниши;

- замонавий истеъмолчи сифат бўйича ўз талабини доимо ошириб боришини унутмаслик лозим.

Айтиш жоизки, иқтисодий сифатга эътибор ва унинг амалдаги кўриниши қанчалик юқори бўлса, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва фаровонлик шунчалик ишончли бўлишига шубҳа қилмас ҳам бўлади.

**Адабиётлар:**

1. Производственный менеджмент. Под редакцией проф. С.Д. Ильенковой. – М.: “Юнити”, 2000.
2. Хрипач В.Я. и др. Экономика предприятия. – Минск: “Экономпресс”, 2000.
3. Эконометрика. – Т.: Шарқ, 1999.
4. Макаренко М.В. Производственный менеджмент. – М.: Приор, 1998.